

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАМШИДИНОВ УМАРХОН ТУРАХОДЖАЕВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни  
ва медиация

**юримик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент шаҳри – 2023 йил**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**  
**Content of the abstract of the dissertation of the Doctor of Philosophy**  
**(PhD)**

<b>Шамшидинов Умархон Тураходжаевич</b> Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари.....	3
<b>Шамшидинов Умархон Тураходжаевич</b> Вопросы совершенствования участия прокурора в гражданском судопроизводстве.....	23
<b>Shamshidinov Umarkhon Turakhodjayeich</b> Issues of improving the participation of the prosecutor in civil court proceedings.....	42
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works .....	48

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА  
ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР  
БЕРУВЧИ DSC.31/31.12.2020.YU.67.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ  
АСОСИДАГИ БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ҲУҚУҚНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ АКАДЕМИЯСИ**

**ШАМШИДИНОВ УМАРХОН ТУРАХОДЖАЕВИЧ**

**ФУҚАРОЛИК СУД ИШЛАРИНИ ЮРИТИШДА ПРОКУРОР  
ИШТИРОКИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ**

12.00.04 – Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Иқтисодий процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик  
жараёни ва медиация

**Юридик фанлар бўйича фалсафа доктори (Doctor of Philosophy) диссертацияси  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Yu747 рақам билан рўйхатга олинган.**

Диссертация иши Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, инглиз, рус (резюме) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.proacademy.uz](http://www.proacademy.uz)) ва «ZiyoNET» Ахборот-таълим порталида ([www.ziyo.net](http://www.ziyo.net)) жойлаштирилган.

<b>Илмий раҳбар:</b>	<b>Мамасиддиқов Музаффаржон Мусажонович</b> юридик фанлар доктори, профессор
<b>Расмий оппонентлар:</b>	<b>Аминжонова Матлуба Аҳмедовна</b> юридик фанлар доктори, профессор <b>Давлетов Ўткирбек Матмуротович</b> юридик фанлари бўйича фалсафа доктори, доцент
<b>Етакчи ташкилот:</b>	<b>Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги</b> <b>ҳузуридаги Юристар малакасини ошириш</b> <b>маркази</b>

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.31/31.12.2020.Yu.67.01 рақамли Илмий кенгаш асосидаги бир марталик Илмий кенгашининг 2023 йил “31” август куни соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42. Тел.: (99871) 202-04-96; факс: (99871) 233-35-81; e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz)).

Диссертация билан Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (27-рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100047, Тошкент шаҳри, Шаҳрисабз кўчаси, 42, e-mail: [info@proacademy.uz](mailto:info@proacademy.uz))

Диссертация автореферати 2023 йил “19” августда тарқатилди.

(2023 йил “18” августдаги 7-рақамли реестр баённомаси).

**Б.Б.Самарходжаев**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш раиси, юридик фанлар доктори,  
профессор

**Ш.И.Шайзаков**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш котиби, юридик фанлар бўйича  
фалсафа доктори (PhD), доцент

**Ф.Х. Рахимов**

Илмий даражалар берувчи бир марталик  
Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар  
раиси, юридик фанлар доктори, профессор

## Кириш (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда қонун устуворлигининг умумий кўрсаткичлари ёмонлашган мамлакатлар сони йилдан йилга ортиб бораётганлиги кузатилмоқда. Ҳуқуқ устуворлиги индекси (WJP Rule of Law Index®) маълумотига қараганда, тўртинчи йил кетма-кет қонун устуворлигининг умумий кўрсаткичлари ёмонлашган мамлакатлар сони ошиб кетган. 2019 йилда ўрганишлар олиб борилган мамлакатларнинг 74,2 фоизида ҳуқуқ устуворлиги кўрсаткичлари пасайган. 2021 йил пасайиш кузатилган мамлакатларнинг 74,2 фоизига дунё аҳолисининг 84,7 фоизи ёки 6,5 млрд киши тўғри келади.<sup>1</sup> 2022 йилги Ҳуқуқ устуворлиги индекси ҳам дунёда қонун устуворлигининг глобал ва давом этаётган пасайишини кўрсатади. Мамлакатларнинг 61 фоизида қонун устуворлигига ҳурмат пасайган. 2021 йилда кўрсаткичлари пасайган мамлакатларнинг учдан икки қисми 2022 йилда яна пасайишни бошдан кечирди. Қонун устуворлиги пасаяётган мамлакатда 4,4 миллиард одам яшайди. Шундай экан жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини кўриқлашга қаратилган прокуратура органларининг фаолиятини такомиллаштиришни талаб қилмоқда.

Жаҳон мамлакатлари қонунчилигининг ривожланиш тенденцияси прокурорнинг суд ишларини юритишдаги иштирокини таъминлаш борасида турли йўналишларда ривожланиб бораётганлигини кўрсатади. Сиёсий режими ҳамда ҳуқуқ тизими турлича бўлган давлатларда прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокини чеклаш ёки прокурорнинг судда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўришда иштирокини кенгайтириш анъанаси кузатилади. Бу эса судда фуқаролик-ҳуқуқий низоларни кўришда прокурор иштирокини доирасини аниқ белгилаш, прокурорнинг суддаги процессуал ҳуқуқлари ва мажбуриятларини ўрганиш, судда фуқаролик ишларининг кўрилишида қонун устуворлигини таъминлаш, прокурор томонидан судда фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларнинг илмий ечимини топишнинг долзарблигини кўрсатмоқда.

Янги Ўзбекистон шароитида прокуратура органлари инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи, жамиятда қонунийлик ва қонун устуворлигини таъминловчи муҳим конституциявий орган ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2018 йил 31 январь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилишида "... қабул қилинаётган қонун, фармон ва қарорларнинг амалий ижросини сўзсиз таъминлаш прокуратуранинг энг муҳим ва долзарб вазифасига айланмоғи

---

<sup>1</sup> World Justice Project Rule of Law Index 2021 // <https://worldjusticeproject.org/sites/default/files/documents/WJP-INDEX-2021.pdf>

лозим”лигини таъкидлаган эди.<sup>1</sup> Бинобарин, биргина 2022 йили қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлаш мақсадида 140 мингга яқин прокурор назорати ҳужжатлари қўлланилган, 278 минг нафар фуқаронинг ҳуқуқлари тикланган, 46 мингдан ортиқ ноқонуний ҳужжат прокурорларнинг протестлари асосида қонунга мувофиқлаштирилган, фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий судларнинг ҳам мингга яқин қарори қонунга мослаштирилишига прокурор протестлари сабаб бўлган.<sup>2</sup> Дарҳақиқат, сўнгги йилларда биринчи инстанция судларида кўрилган фуқаролик ишлари бир неча баравар кўпайиб, судьялар иш юкламаларининг ортиб бориши<sup>3</sup> фуқаролик ишларини судда кўриш сифатига ўзининг салбий таъсирини ўтказмоқда. Бу эса айрим суд қарорларининг ноқонуний, асоссиз ва адолатсиз чиқарилишига, суд қарорларининг ижро этилмай қолишига, охир-оқибатда аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлади. Мазкур қалтис вазиятда прокуратура органларининг юқорида қайд этилган вазифаларини тўлиқ амалга ошириши талаб этилади. Бу эса фуқаролик процессида прокурор иштирокининг ҳуқуқий асосларини, прокурорнинг ҳуқуқий ҳолатини, унинг ишда иштирок этиш шакллари илмий-амалий жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (2023), Фуқаролик процессуал кодекси (2018), Иқтисодий процессуал кодекси (2018), Меҳнат кодекси (2022), Оила кодекси (1998), янги таҳрирдаги “Прокуратура тўғрисида”ги (2001) ва “Судлар тўғрисида”ги (2021) Қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги (2017), “2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги (2022), “Одил судлов фаолиятини амалга оширишни самарали ташкил этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги (2023) Фармонлари ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Диссертация тадқиқоти республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Фуқаролик процессида прокурор иштирокини такомиллаштириш масалаларига бағишланган

<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди // <https://www.president.uz/uz/lists/view/1470>

<sup>2</sup> Йўлдошев Н.Т. Асосий мезон – қонунийлик, инсонга эътибор ва элнинг розилиги // “Халқ сўзи” газ. 2023 й. 7 январь, № 4.

<sup>3</sup> Фуқаролик ишлари бўйича судларда биринчи инстанцияда кўрилиб, тамомланган ишларининг сони 2023 йилнинг биринчи чорагида 224.548 та (111.113 таси суд буйруғи), 2022 йилда 863.883 тани (301.597 таси суд буйруғи) ташкил этган. 2022 йилдаги кўрсаткич 2021 йилга қараганда 211.011 тага кўпайган (2021 йилда жами 518.087 та фуқаролик иши кўрилган, шундан 166.812 таси суд буйруғи). Шу ўринда, 2022 йил 31 мартга қадар ишлаган судьялар сони 260 тани ташкил этган, 2022 йилнинг 1-чорагида бир судьянинг ўртача ойлик иш ҳажми 143,2 тани ташкил этган (2021 йилнинг мос даврида 97,3 та бўлган) // <https://stat.sud.uz/file/2023/03.05>.

диссертация мавзуси шу кунга қадар Ўзбекистонда мустақил тадқиқот объекти сифатида махсус монографик тадқиқ этилмаган. Хусусан, Ш.Ш.Шорахметов, Э.Эгамбердиев, М.М.Мамасиддиқов, З.Н.Эсанова, Д.Ю.Хабибуллаев, М.З.Раджапова, М.М.Тажибоев, С.А.Марипова, Ғ.Назаров ва Н.Мирахмедованинг тадқиқот ишида фуқаролик процессида прокурор иштирокининг айрим жиҳатлари ўрганилган. Масалан, Ш.Ш.Шорахметов фуқаролик процессида прокурор иштироки билан боғлиқ масалаларни фуқаролик процессуал ҳуқуқига оид дарсликларда очиб берган. Э.Эгамбердиев фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини илмий мақолалари орқали ўрганган, М.М.Мамасиддиқов меҳнат низоларини судда кўришда прокурор иштирокининг ўзига хос жиҳатларини алоҳида тадқиқот сифатида ўрганган. З.Н.Эсанова судда болалар тарбияси билан боғлиқ низоларни кўришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини тадқиқ этиш баробарида ушбу тоифадаги ишларда прокурор иштирокини ўрганган. Д.Ю.Хабибуллаев фуқаролик суд ишларини юритишда тамойилларни қўллаш масалалари доирасида прокурор иштирокини ҳам ўрганган.

Мамлакатимизда сўнгги йилларда жиноят, маъмурий ва иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштироки билан боғлиқ тадқиқотлар амалга оширилди. Масалан, Д.С.Довудова томонидан “Биринчи инстанция судларида жиноят ишларини юритишда прокурор ваколатларини такомиллаштириш”, Ш.И.Шайзаков томонидан “Маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг ташкилий-ҳуқуқий асослари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”, Б.А.Отажонов томонидан “Иқтисодий суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари”, М.З.Раджапова томонидан “Жиноят ишларини юқори суд инстанцияларида кўрилишида прокурор функциялари ва ваколатларини такомиллаштириш: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил” мавзусида тадқиқот ишлари амалга оширилганлиги эътиборга лойиқ.

Судларда прокурор иштироки билан боғлиқ масалалар хорижий давлатларнинг қатор олимлари томонидан ҳам ўрганилган. Хусусан, Т.Н. Маслова фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг муаммолари, С.А.Иванов фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор томонидан фуқаролар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, Т.И.Отческа я давлатнинг иқтисодий манфаатларини арбитраж судида ҳимоя қилинишида прокурор иштирокини ташкил этишнинг ҳуқуқий ва услубий муаммолари, Е.В.Миряшева конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлар кафолати тизимида Франция Республикаси прокуратураси институти, Т.Н.Воробьев прокурорнинг фуқаролик суд ишларини юритишда иштирокининг назарий ва амалий муаммолари, В.Р.Маркаров эса” Россия Федерацияси ва хорижий давлатларда прокуратуранинг конституциявий-ҳуқуқий мақоми: қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот” мавзусида диссертация ишларини бажарган.<sup>1</sup>

Бугунги кунда юқоридаги тадқиқотлар, шубҳасиз, прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокини тартибга солувчи прокуратура тўғриси-

---

<sup>1</sup> Мазкур олимлар ишларининг тўлиқ рўйхати диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар рўйхатида кўрсатилган.

даги ҳамда фуқаролик процессуал қонунчилигини такомиллаштиришда муҳим назарий пойдевор вазифасини ўтайди. Бирок, юқоридаги таҳлиллар шундан далолат берадики, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари мавзусида мамлакатимиз ҳуқуқшунос олимлари томонидан комплекс тадқиқотлар олиб борилмаган.

**Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация мавзуси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси илмий-тадқиқот ишлари режаси доирасида олиб борилган “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини такомиллаштириш масалалари” (2021–2023) мавзусидаги илмий лойиҳа доирасида амалга оширилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки билан боғлиқ муаммоларни аниқлаш ҳамда хорижий тажрибани қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш орқали мазкур муаммоларни ҳал этишга қаратилган илмий асосланган таклиф ва тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

фуқаролик процессида прокурор иштирокининг аҳамияти, тарихи, зарурати ва вазифаларини таҳлил этиш;

шахс ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш бўйича прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини ўрганиш;

прокурорнинг шахс ҳуқуқларини судда ҳимоя қилиш бўйича фаолиятининг хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил қилиш;

фуқаролик процессида прокурор иштирокининг шакллари тадқиқ этиш;

прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолати ва уни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш;

прокурорнинг судда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиб иштирок этиш масалаларини тадқиқ этиш;

фуқаролик процессида прокурорнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича иштирокини ўрганиш ва уни такомиллаштириш;

фуқаролик процессида прокурор иштироки билан боғлиқ хорижий давлатлар қонунчилиги тажрибасини таҳлил қилиш орқали мамлакатимиз қонунчилигини такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объектини** фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки билан боғлиқ юзага келадиган ижтимоий муносабатлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг предметини** фуқаролик процессида прокурор иштирокини тартибга солувчи прокуратура тўғрисидаги ва фуқаролик процессуал қонунчилиги, бошқа қонун ва қонун ости норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, уларни қўллаш бўйича суд амалиёти, шунингдек хорижий мамлакатлар қонунчилиги ва тажрибаси, юридик фанда мавжуд концептуал ёндашувлар, илмий-назарий қарашлар ташкил этади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқот олиб бориш жараёнида қиёсий-ҳуқуқий тадқиқот, мантикий, таҳлилий, тарихий, илмий манбаларни комплекс тадқиқ этиш, ҳуқуқни қўллаш амалиёти ходимлари билан сўровлар ўтказиш, нормаларни илмий шарҳлаш, суд амалиётига оид материалларни умумлаштириш ҳамда статистик маълумотлар таҳлили услубларидан фойдаланилди.

### **Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:**

фуқаролик суд ишларини юрителишда прокурор иштироки прокурорнинг судларга қонунда белгиланган тартибда ва шаклда даъво ариза (ариза) тақдим этиш ҳамда бошқа шахслар томонидан бошланган процессда инсон ва фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамиятнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини судда самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, процессда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шунингдек қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришишдан иборат фаолиятидир, деган таъриф ишлаб чиқилган;

Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига фуқаролик суд ишларини юрителишда прокурор иштирокига бағишланган боб киритиш ва унда фуқаролик процессида прокурор иштирокининг мазмуни, прокурор иштирокининг чегараси ва унинг ваколатлари, прокурорнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи ва суддан фуқаролик ишларни талаб қилиб олиш масалаларини белгилаш таклифи асослаб берилган;

инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламнинг суд орқали ҳимояланиш борасидаги имкониятларини ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда беғараз ва малакали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фуқаролик процессида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини ошириш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор ваколатларини кенгайтириш лозимлиги асослантилган;

прокурор қонунда белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ишлар бўйича судларда иштирок этиш, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган суд ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда апелляция, кассация, хусусий тартибда ва ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақидаги протест келтириш, протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари кассация протести киритиш масаласини ҳал этиш учун тегишли суддан фуқаролик ишини талаб қилиб олишга оид нормаларни белгилаш асослаб берилган.

### **Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:**

прокурорнинг номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи, уни амалга ошириш ҳақидаги нормани фуқаролик процессуал қонунчиликка киритиш зарурати юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Мазкур қонуннинг қонунчиликка киритилиши ўз ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини амалга ошириш имкониятига эга бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқларини суд орқали ҳимоялашнинг қўшимча кафолати вазифасини бажариши асослантилди;

мамлакатимиз ФПКда прокурорнинг ҳуқуқий мақоми ва фаолиятини янада такомиллаштириш мақсадида унинг фуқаролик процессида даъво тақдим этиш ваколатини аниқлаштириш, давлат ва жамият, шунингдек жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судда ҳимоя қилиш борасида унинг ваколатларини кучайтириш, агар давлат манфаатларини, шунингдек фуқароларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этса, прокурор ишнинг ҳар қандай босқичида иштирок этишини белгилаш, суд ва прокуратура идоралари ўртасида электрон тарзда ахборот алмашувини таъминловчи корпоратив алоқани жорий қилиш мақсадида қонун билан прокурор иштирок этиши шарт бўлган ишларнинг судда кўрилиши ҳақида хабардор қилишнинг самарали усулларини татбиқ этиш зарурлиги асослантилди;

фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг фикри процессуал томондан нималардан иборат бўлиши ва унинг шаклига оид талаблар баён этилиши, прокурорнинг фикрига ҳуқуқий мақом берилиши, яъни унда қандай масалалар кўрсатилиши, уни судга тақдим этиш шакли, тартиби ва оқибатлари тўғрисидаги нормани белгилаш асослантилди;

фуқаролик процессуал қонунчиликда прокурорнинг судга “ариза” билан, “Прокуратура тўғрисида”ги қонун эса “даъво” билан мурожаат қилишининг белгиланганлиги судга мурожаат қилган прокурорнинг фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолатини тўғри тушунишга салбий таъсир кўрсатади, деган хулосага келинди ва ушбу номувофиқлини бартараф этиш юзасидан тақлифлар илгари сурилди;

суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний кучга кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан талаб қилиб олиш ҳуқуқини амалда тўлақонли рўёбга чиқариш, суд қарорларининг қонунийлигини таъминлаш, “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун билан ФПК нормаларининг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари манфаатдор шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлмаган тақдирда ҳам кассация протести келтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли бўлишини ФПКда белгилаш асослантилди.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги.** Тадқиқот натижалари миллий қонунчилик нормалари, ривожланган давлатлар тажрибаси, ҳуқуқни қўллаш амалиёти, шу билан бирга, 1453 нафар прокуратура ходимлари, Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси профессор-ўқитувчилари, докторант ва мустақил изланувчиларнинг фикрларини ўрганиш мақсадида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига асосланган. Бундан ташқари, тадқиқот ишида Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан 2020-2022 ва 2023 йилнинг 1-ярмида кўрилган ишларнинг статистик таҳлили, Бош прокуратуранинг тегишли бошқармалари томонидан 2020-2022 йилларда ўтказилган текшириш ва таҳлил материалларини ўрганиш натижаларидан фойдаланилган. Статистик маълумотларнинг таҳлили натижалари умумлаштирилиб, тегишли ҳужжатлар

билан расмийлаштирилган. Хулоса, таклиф ва тавсиялар апробациядан ўтказилиб, уларнинг натижалари етакчи миллий ва хорижий нашрларда эълон қилинган. Ваколатли давлат органлари томонидан натижаларнинг жорий қилиниши бўйича далолатномалар билан тасдиқланган.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти фуқаролик процессуал ҳуқуқи, прокурор назорати фанлари назариясини судда иш қўришнинг процессуал хусусиятлари, прокурорнинг фуқаролик процессидаги асосий вазифаси, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки каби янги тушунчалар билан бойитилишида намоён бўлади. Таклиф ва тавсиялар келгусида тадқиқот ишларини ташкил этиш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, мамлакатимиз Олий суди Пленуми қарорларини ҳамда қонунчилик нормаларига шарҳлар тайёрлашда ҳисобга олиниши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти фуқаролик процессуал ҳуқуқи, фуқаролик процессининг долзарб муаммолари, прокурор назорати каби модулларини ўқитиш, суд, прокуратура ва адвокатлар учун амалий қўлланмалар тайёрлашда, мамлакатимиз Фуқаролик процессуал кодексини такомиллаштириш, Олий суд Пленуми қарорларини, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг соҳавий буйруқларини ишлаб чиқишда фойдаланилиши билан белгиланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Тадқиқот иши бўйича олинган илмий натижалардан қуйидагиларда фойдаланилган:

фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки унинг судларга белгиланган тартибда даъво ариза (ариза) тақдим этиш ҳамда уни қўллаб-қувватлаш орқали фуқаролар, юридик шахслар, жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, шунингдек қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришишдан иборат бўлган фаолият эканлиги Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни лойиҳаси 68-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 4 апрелдаги 27/2-244–22-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши судларда фуқаролик ишларининг қўрилишида прокурорнинг фаолият йўналишларини аниқлаштиришга, унинг фуқаролик процессида иштирок этиш мақсад ва вазифаларни тўғри белгиланишига хизмат қилади;

“Фуқаролик, иқтисодий ва маъмурий суд ишларини юритишда прокурор иштироки” номли янги боб киритилишини белгилаш ҳақидаги таклиф Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги конституциявий қонуни лойиҳаси 9-бобида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 4 апрелдаги 27/2-244–22-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокини тартибга соладиган нормаларни тизимлаштиришга хизмат қилади;

прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя

қилиб, тегишлилиги бўйича фуқаролик ишлар бўйича судга даъво аризаси (ариза) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга эканлигини белгилаш Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни лойиҳаси 69-моддасида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 4 апрелдаги 27/2-244–22-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши прокурорнинг шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини суд орқали ҳимоя қилиш имкониятини кенгайтиради;

прокурор қонунда белгиланган тартибда ва ўз ваколатлари доирасида фуқаролик ишлар бўйича судларда иштирок этиш, қонунчилик ҳужжатларига зид бўлган суд ҳужжатларига қонунда белгиланган тартибда апелляция, кассация, хусусий тартибда ва ишни кассация тартибида такроран кўриш ҳақидаги протест келтириш, протестни тўлдириш, ўзгартириш ёки қайтариб олиш, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар прокурорлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари кассация протести киритиш масаласини ҳал этиш учун тегишли суддан фуқаролик ишини талаб қилиб олишга оид нормаларни белгилаш Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Конституциявий Қонуни лойиҳаси 70-71-моддаларида ўз ифодасини топган (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2023 йил 4 апрелдаги 27/2-244–22-сонли далолатномаси). Мазкур таклифнинг қабул қилиниши прокурорнинг фуқаролик ишлари бўйича суд қарорларининг қонунийлиги, асослантилганлиги ва адолатлилигини текшириш бўйича фаолиятининг самарадорлиги ва натижадорлигини оширишга хизмат қилади.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 7 та илмий анжуманда, жумладан 3 та халқаро, 4 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш, жумладан, 14 та илмий мақола, 1 та илмий-амалий қўлланма (2 таси хорижий нашрларда, 1 таси халқаро конференция материалларида) чоп этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, 9 та параграфни ўзида жамлаган учта боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 149 бетни ташкил этади.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Диссертация ишининг **кириш (диссертация аннотацияси)** қисмида тадқиқот мавзусининг долзарблик даражаси ва зарурати, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига мослиги, тадқиқ этилаётган муаммонинг ўрганилганлик даражаси, диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети, усуллари, илмий янгилиги ва амалий натижаси, тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳамда уларнинг

илмий ва амалий аҳамияти, жорий қилинганлиги, апробацияси, натижаларининг эълон қилинганлиги, диссертациянинг ҳажми ва тузилиши ёритилган.

Тадқиқотнинг **“Фуқаролик процессида шахс ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш бўйича прокурор фаолиятининг назарий ва ҳуқуқий асослари”** деб номланган биринчи бобида фуқаролик процессида прокурор иштирокининг аҳамияти, зарурати, вазифалари, шаклланиши ва ривожланиши, судда прокурор фаолиятининг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш масалалари тадқиқ этилган.

Муаллиф прокурорнинг фуқаролик процессидаги асосий вазифаси фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор ўз олдига қўйилган ва қонунда кўрсатилган фуқаролик ишининг ҳақиқий ҳолатларини ҳар томонлама ўрганишга, юридик аҳамиятга эга бўлган фактларни тўғри аниқлашга ва қонуннинг белгиланган ҳуқуқий нормаларга асосланган ҳолда тўғри қўлланилишига фаол ҳисса қўшиш каби вазифаларни амалга ошириш орқали иш юзасидан қонуний, асосли ва адолатли ҳал қилув қарори, ажрим ва қарор чиқарилишини таъминлашга кўмаклашишдан иборат эканлигини илмий-амалий жиҳатдан асослаган.

Шу ўринда, инсон қадрини улуғлаш, ҳар кимнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини таъминлаш мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг устувор йўналиши эканлигидан келиб чиқиб, жамиятда кам таъминланган, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатламининг суд орқали ҳимояланиш борасидаги имкониятини ошириш, уларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини судларда беғараз ва малакали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида фуқаролик процессида прокурор иштирокининг самарадорлигини ошириш, давлат ва жамият манфаатларини ҳимоя қилиш борасида прокурор ваколатларини кенгайтиришни таклиф қилган.

Шунингдек Ўзбекистон аҳолисининг ўсиш суръати кундан-кунга ортиб бораётганлиги, бугунги кунда судьяларнинг штатлар сони ҳудудларнинг аҳоли сонига нисбатан мутаносиб равишда белгиланмаганлиги фуқаролик ишларини кўриб чиқиш сифатига ўзининг салбий таъсирини кўрсатишини, пировард натижада эса одил судловнинг сифатини пасайтириб, аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлишини, бу вазиятда прокурорлар фуқаролик процессида қонун устуворлигини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ҳамда эркинликларини, жамият ва давлатнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш каби асосий вазифаларини тўлиқ амалга оширишлари талаб этилишини асослантиради. Бинобарин, 2022 йил давомида жиноят ишлари бўйича биринчи инстанция судида 58.697 та жиноят иши, 539.686 та маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги иш кўриб чиқилган. Шунингдек, фуқаролик ишлари бўйича судлар 562.304 та, иқтисодий судлар 277.865 та, маъмурий судлар 15.347 та ишни кўриб чиққан. Жами кўрилган ишларга нисбатан олинадиган бўлса, энг кўп иш ҳажми ва иш юкламаси фуқаролик ишлари бўйича судларнинг судьяларига тўғри келиб, умумий ҳисобда 50 фоизга яқинини ташкил этмоқда.

Ушбу рақамларни ўртача ойлик иш ҳажмига нисбатан ҳисоблайдиган бўлсак, жиноят ишлари бўйича туман, шаҳар судининг бир судьяси бир ойда 181 та ишни, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро, туман, шаҳар судининг судьяси 269 та, туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судининг судьяси эса 163 та ишни кўриб чиқишига тўғри келмоқда.

Муаллиф ҳуқуқшунос олимларнинг мулоҳазалари, ҳуқуқни қўллаш амалиёти таҳлили, респондентлар ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижалари ҳамда хорижий давлатларнинг қонунчилик тажрибаси асосида Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига “Фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки” деб номланувчи боб киритиш ва ушбу бобда фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг мазмуни, прокурорнинг судга мурожаат этиш ҳуқуқи, фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокининг чегараси ва прокурорнинг ваколатлари, суддан фуқаролик ишларни талаб қилиб олиш масалалари батафсил ўз ифодасини топишини таклиф қилган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ФПКнинг 407<sup>1</sup>-моддасида назарда тутилган прокурор протестини келтириш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг мурожаати бўлиши кераклиги каби талабни мамлакатимиз Конституциясининг 143-моддасида белгиланган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қонунларнинг аниқ ва бир хилда бажарилиши устидан назоратни Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унга бўйсунувчи прокурорлар амалга оширишини белгиловчи конституциявий нормага мувофиқлаштириш лозим, деган хулосага келади. Шу мақсадда ФПКнинг 407<sup>1</sup>-моддасидан прокурор протестини келтириш учун тарафлар ва ишда иштирок этувчи бошқа шахсларнинг мурожаати бўлиши кераклиги тўғрисидаги талабни бекор қилишни таклиф қилади.

Диссертант томонидан фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштироки прокурорнинг судларга қонунда белгиланган тартибда ва шаклда даъво ариза (ариза) тақдим этиш ҳамда бошқа шахслар томонидан бошланган процесда инсон ва фуқаролар, юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, давлат ва жамиятнинг қонун билан кўриқланадиган манфаатларини судда самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш, процесда қонунийлик ва қонун устуворлигини мустаҳкамлаш, шунингдек қонунда белгиланган ваколатлар орқали суд қарорларининг қонуний, асосли ва адолатли чиқарилишига эришишдан иборат фаолиятдир, деган таъриф ишлаб чиқилган.

Муаллиф илмий иш доирасида Франция, Болгария ва Польша каби давлатларда прокурорларнинг давлат ва жамият манфаатлари бузилган тақдирда, қонунга риоя этилиши устидан назоратни амалга оширувчи прокурорлар зиммасига судга мурожаат қилиш орқали ушбу қонунбузилишларини бартараф этиш чораларини кўриш мажбуриятининг юклатилишини, фуқароларнинг ҳимояга муҳтож, заиф тоифаларининг (вояга етмаганлар, ногиронлар, кам таъминланганлар ва бошқаларнинг) қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судга мустақил даъво аризасини тақдим этиш ваколатини ижобий тажриба сифатида миллий фуқаролик процессуал қонунчилигимизни

такомиллаштиришда ҳисобга олиш лозим, деган хулоса илгари суради.

Диссертант Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 16 январдаги “Одил судловга эришиш имкониятларини янада кенгайтириш ва судлар фаолияти самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармони билан одил судловни амалга оширишга кўмаклашиш бўйича ихтисослашган прокурорлар корпуси шакллантирилганлигини прокурорнинг фуқаролик процессида иштирокининг зарурати ва долзарблиги билан асослайди. Муаллиф “Прокуратура тўғрисида”ги Қонун ҳамда фуқаролик процессуал қонунчиликда белгиланган тартибда фуқаролик ишлари бўйича судларда ишларни кўришда прокурор ваколатини таъминлаш мақсадида мамлакатимиз ФПК ҳамда “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунда ихтисослашган прокурорлар корпуси ва унинг ҳуқуқий мақомини назарда тутувчи нормалар билан тўлдиришни таклиф қилади.

Диссертациянинг **“Фуқаролик процессида прокурор иштирокининг шакллари ва ҳуқуқий ҳолати”** деб номланган иккинчи бобида фуқаролик процессида прокурорнинг иштирок этиш шакллари ва унинг умумий тавсифи, унинг судга мурожаат қилиш шаклини такомиллаштириш масалалари ҳамда фуқаролик процессидаги ҳуқуқий ҳолати ва уни такомиллаштириш масалалари илмий-амалий жиҳатдан таҳлил қилинган.

Диссертант фуқаролик процессида прокурор иштирокининг икки шакли - прокурор фақат қонунда назарда тутилган ҳолларда фуқаролик ишининг муҳокамасида иштирок этиши ва ФПКнинг 245-моддасига кўра эса, ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этиши, яъни бошқа шахслар ташаббуси билан кўзғатилган ишни кўришда ишнинг моҳияти бўйича фикр бериш мақсадида иштирок этишини эътироф этади. Тадқиқотчи бу борада Т.Н.Маслованинг биринчи инстанция судларида прокурор иштирокининг учинчи шакли, яъни номуайян шахслар доирасига дахлдор масалалар бўйича ҳуқуқий ҳужжатни ғайриқонуний деб топиш тўғрисидаги ишларни кўзғатиш шакли мавжудлигини инкор этиб, ушбу нуқтаи назар бирмунча баҳсли саналишини корхоналар, муассасалар, ташкилотлар, жамоат бирлашмаларининг маъмурий ва бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан юзага келмайдиган қарорлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг шундай ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) юзасидан низолашиш тўғрисидаги даъво аризаларини прокурор томонидан судга тақдим этишда юқоридаги нормалар асос вазифасини бажаради. Шундай экан, ушбу ҳолатда прокурор фуқаролик процессида иштирок этишнинг биринчи шакли, яъни бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун ариза билан судга мурожаат этиш шаклида иштирок этади, деган қарашни илгари суради.

Диссертант хорижий давлатлар қонунчилигида белгиланган қоидалар асосида миллий қонунчилик нормаларини такомиллаштириш ҳамда ҳуқуқни қўллаш амалиётидаги мавжуд заруратдан келиб чиқиб, ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисми сифатида “Ўзини мустақил равишда ҳимоя қила олмайдиган фуқароларнинг ҳуқуқларини, шунингдек жамият ва давлатнинг қонун билан

қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш талаб этилганида, прокурор фуқаролик суд ишларини юритишда иштирок этиши шарт”лигини назарда тутувчи нормани киритишни таклиф қилади. Ушбу таклифни шунингдек қуйидагилар билан асослантиришга ҳаракат қилади: ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида белгиланган норма мамлакатимиз суд ва прокуратура органлари томонидан турли ҳудудларда турлича ёндошувга сабаб бўлмоқда. Айрим ҳудудларда прокурорнинг давлат ва жамият манфаатларидаги ва бошқа масалалардаги даъво аризалари судлар томонидан эътирозсиз иш юритувига қабул қилинса, айрим ҳудудларда уларни қабул қилмаслик ҳолатлари кузатилмоқда. Шунингдек, ИПК ва МСИЮТКнинг прокурор иштироки билан боғлиқ тегишли моддаларида белгиланган қоидалар ва ФПКнинг 50-моддаси биринчи қисмида ўзаро номувофиқликлар мавжуд. Масалан, ИПКнинг 49-моддасига асосан прокурор иқтисодий судга фуқаронинг, юридик шахснинг ва давлатнинг манфаатларини кўзлаб даъво аризаси (аризаси) билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга. МСИЮТКнинг 46-моддаси иккинчи қисмига мувофиқ прокурор фуқаролар ва юридик шахсларнинг, шунингдек жамият ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиб, судга ариза билан мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

ФПКнинг 50-моддасига юқоридаги норманинг киритилиши юқоридаги процессуал қонун ҳужжатлари ўртасидаги номувофиқларни бартараф этади.

Диссертант хорижий давлатларнинг фуқаролик процессида прокурор иштирокига доир қонун ҳужжатлари таҳлили асосида аксарият давлатлар қонунчилигида прокурорга номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи берилганлигини эътироф этиб, мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ваколати кўрсатилган бўлса-да, бироқ номуайян шахслар доирасининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқи назарда тутилмаган. Ҳозирги кунда юридик адабиётларда ва миллий қонунчилигимизда “номуайян шахслар доираси” ёки “шахсларнинг номуайян доираси” тушунчасини аниқловчи таърифлар ҳам мавжуд эмаслигини таъкидлайди. Бу эса номуайян шахслар доираси ҳуқуқларини ҳимоя қилиб судга даъво тақдим этиш жараёнида муайян муаммоларни келтириб чиқариши мумкин. Чунки ФПКнинг 189-моддасига кўра, даъвогарнинг фамилияси, исми, отасининг исми, яшаш жойи, агар даъвогар ташкилот бўлса, унинг номи, жойлашган ери (почта манзили) ҳамда реквизитлари, шунингдек, агар ариза вакил томонидан берилган бўлса, вакилнинг фамилияси, исми, отасининг исми ва манзили бўлиши талаб этилади. Мазкур модданинг учинчи қисмида баён этилишича, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш мақсадида прокурор, давлат бошқаруви органлари, ташкилотлар ёки айрим фуқаролар томонидан берилган аризада ушбу моддада санаб ўтилган маълумотлардан ташқари ариза кимнинг манфаатини кўзлаб берилган бўлса, ўша шахснинг фамилияси, исми, отасининг исми (номи) ҳамда манзили

кўрсатилиши керак. Акс ҳолда суд ФПКнинг 195-моддасига мувофиқ аризани қайтариш ҳақида ажрим чиқаради. Шу сабабли прокурорнинг номуайян шахслар доираси ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида судга даъво (ариза) тақдим этиш ҳуқуқини мамлакатимиз фуқаролик процессуал қонунчилигида мустаҳкамлаш таклифини илгари суради.

Тадқиқотчи прокурорнинг фуқаролик процессидаги иштирокини белгиловчи ФПКнинг “Прокурорнинг фикри” деб номланган 245-моддасида “Ишда иштирок этувчи прокурор суд музокараларидан кейин низонинг моҳияти бўйича ўз фикрини баён этади, бундан прокурорнинг бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини, эркинликларини ва қонун билан кўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида берган аризаси бўйича қўзғатилган ишлар мустасно” дейилиб, прокурорнинг фикри процессуал томондан нималардан иборат бўлиши ва унинг шаклига оид талаблар баён қилинмаган деган хулосага келади. Шу боис прокурорнинг фикрига ҳуқуқий мақом берилиши, яъни унда қандай масалалар кўрсатилиши, уни судга тақдим этиш шакли, тартиби ва оқибатлари тўғрисидаги норма ФПКда белгилаб қўйиш мақсадида ФПКнинг 245-моддасининг янги таҳририни таклиф этади.

Диссертант Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонуни 34-моддаси, ФПКнинг 403-моддаси ҳамда 407<sup>1</sup>-моддалари ўртасидаги номувофиқликни бартараф этиш мақсадида ФПК 407<sup>1</sup>-моддасига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни ва ФПК 407<sup>1</sup>-моддаси иккинчи қисмини куйидаги таҳрирда баён этиш лозим деган хулосага келади:

“Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ва уларнинг ўринбосарлари, вилоят прокурори, унга тенглаштирилган прокурор ва уларнинг ўринбосарлари кассация протести келтириш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли суддан ишни талаб қилиб олишга ҳақли.

Ушбу Кодексда белгиланган шакл ва мазмун талабларига риоя қилинган ҳолда берилган кассация шикоят (протести) кассация инстанцияси судининг иш юритувига қабул қилинади”.

Диссертациянинг **“Айрим тоифадаги фуқаролик ишларининг судда кўрилишида прокурор иштирокининг ўзига хос хусусиятлари: қиёсий-ҳуқуқий таҳлил”** деб номланган учинчи бобда хорижий давлатлар қонунчилиги билан қиёсий-ҳуқуқий таҳлил, прокурорнинг судда фуқароларнинг меҳнат ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари, фуқаролик процессида прокурорнинг вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича иштирокини такомиллаштириш масалалари илмий-назарий ва амалий жиҳатдан тадқиқ қилинган.

Диссертант фуқаролик суд ишларини юритишда прокурор иштирокига оид миллий ва хорижий давлатлар (Германия, Франция, Болгария, Польша, Венгрия, Чехия) қонунчилигини қиёсий таҳлил қилган ҳолда ушбу давлатларнинг фуқаролик процессуал қонунчилигида прокурорларнинг айнан қайси ишларда иштирок этиши ва қайси тоифадаги ишларда прокурор судга даъво ариза (ариза) билан мурожаат қилишга ҳақли эканлиги аниқ белгиланганлигини ижобий тажриба сифатида миллий қонунчиликка жорий этишни

таклиф қилади.

Диссертант ушбу бобда статистик маълумотлар ҳамда амалиёт мисоллари таҳлили асосида прокурор томонидан судга даъво такдим этиш мумкин бўлган фуқаролик ишлари рўйхатини мамлакатимиз ФПКда белгилаш ва ушбу ишлар тоифасига долзарблиги, мураккаблиги ва ижтимоий аҳамиятидан келиб чиқиб, ходимларнинг меҳнатга доир ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ходимга етказилган зарар учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги, меҳнат мажбуриятларини бажариши билан боғлиқ бўлган меҳнатда майиб бўлганлиги, касб касаллиги ёки соғлиққа етказилган бошқа шикаст туфайли вафот этган ходимнинг яқинларига (етказилган зарарни иш берувчи томонидан қопланишига доир ҳуқуққа эга бўлган шахсларга) тўлов ундириш билан боғлиқ ишларни киритиш таклифини илгари суради.

